

## **ANALYSIS OF ALASHER NAVOI'S GAZALS BY SOLIK (AUTHOR) STATUS**

**Sabirova Muzayana Ilhomjon Qizi**

He is a student of the Uzbek language and literature faculty of Kokand DPI

Salik's attitude towards the Truth, the correct understanding of the relationship between him and the Truth, and his understanding of the Truth, that is, the knowledge of the Truth, are different in each position. Hence, when the sage expresses his experiences, feelings, and state, he undoubtedly approaches the Truth from the point of view of a certain status, a separate stage of maturity, and at the same time describes his condition from the point of view of the station. This point of view allows us to classify and analyze Mir Alisher Navoi's ghazals from the point of view of the status (stage of maturity) in which they are described.

### **АЛИШЕР НАВОЙНИНГ СОЛИК (МУАЛЛИФ) МАҚОМИГА КЎРА ФАЗАЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ (ТАЛАБ, ИШҚ, МАЪРИФАТ МАҚОМЛАРИ ФАЗАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**Собирова Музайяна Илҳомжон қизи**

Қўқон ДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси

Соликнинг Ҳаққа муносабати, ўзи билан Ҳақ орасидаги алоқаларни тўғри пайқаш, Ҳақни қандай тушуниш, яъни Ҳақ маърифати ҳар бир мақомда ўзгача бўлади. Демак, ориф ўз кечинмаларини, ҳиссиётини, ҳолатини баён этар экан, шубҳасизки, маълум бир мақом, алоҳида олинган бир камолот босқичи нуқтаи назаридан Ҳаққа яқинлашади ва айни ўша бекат талаб-тамойилларидан келиб чиқиб ўз ҳолатини тасвирлайди. Мана шу таянч нуқта Мир Алишер Навоий ғазалларини уларда ўз тасвирини топган мақом (камолот босқичи) нуқтаи назаридан тасниф ва таҳлил этишга имкон беради. Шу боис мумтоз адабиётимиздаги бадиий-маърифий ғазалларни қўйидагича тасниф ва таҳлил қилишни лозим қўрамиз: 1) талаб мақоми ғазаллари; 2) ишқ мақоми ғазаллари; 3) маърифат мақоми ғазаллари; 4) истиғно мақоми ғазаллари; 5) тавҳид мақоми ғазаллари; 6) ҳайрат ва фано мақоми ғазаллари; 7) ҳамд ва наът, мадҳ йўналишдаги ғазаллар.

#### **Талаб мақоми ғазаллари**

Ҳар неким, ғайри талабдур ташламоқ,  
Ўзни мақсад манзилиға бошламоқ<sup>1</sup>.

Тариқат йўлида биринчи босқич бўлган талаб мақомида толибда (яъни истовчи, талабга эга бўлган бандада) оддий мўъминлик даражаси билан қониқиб қолмай, Ҳаққа етишиш, олий инсон бўлиш иштиёқи уйғонади. Унда комил инсон бўлиш иштиёқининг уйғонишида оддий мўъмин сифатида шариат ва Қуръони Карим, ҳадислар асосида Ҳаққи мутлақдан – Оллоҳ ва унинг чексиз сифатларидан хабардорлик, ўзининг моҳияттан шу қудрат ва мўъжизавий санъат соҳиби билан бирлигини пайқаш, яратувчи қудрати ва гўзаллигидан хабардорлиги натижаси ўлароқ, мана шу буюклика интилиш турткি бўлади.

Талаб инсонда бир мақсадга эришиш, юксалиш учун қасд қилиш, интилишдир. Шунинг учун Талаб мақоми ғазалларида, асосан қўйидаги мавзулар етакчилик қиласди:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. 1. Ғаройибус-сигар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. –Т., 1959, 190-бет.

- 1) Ёр гўзалигини, унинг таъсир қудратини, юксаклигини куйлаш; ёрнинг чексиз нафосатидан хабардор бўлиш, ундан илҳомбахш мўъжиза сифатида баҳра олиш, толибни ўзига жалб қилувчи ҳодиса-воқеа содир бўлгани (юзини қўрсатиш, кўз қирини ташлаши, бирор нарса ёки ҳаракат билан ўзига жалб қилиш ва ҳоказо) васфини тараннум этиши;
- 2) Солик (толиб)нинг Ёридан хабар топганлиги сабабли унда бир мақсаднинг уйғонганлиги, шу мақсадга эришиш учун барча нарсадан кечишига тайёргарлиги, қийинчиликларга чидаш, ўзини тайёрлаш, изланиш, йўлни билмаслик изтироблари ва Мақсадни топганлиги, Мақсаддан нишон топганлиги қувончлари ва ўшаларнинг бадиий ифодаси;
- 3) Маълум бир мақсад билан ёниб турган банданинг шу мақсадга эришиши йўлларини билмаслик изтироблари, ҳижрон азоблари.

Шунинг учун талаб мақоми ғазалларида кўтарилиган мавзу ва тавсиф этиладиган ҳолатда изланиш билан алоқадор мураккаб руҳий жараёнлар қамраб олиниши мумкин. Алишер Навоийнинг ўзи ўша теран жараёнлар тафсилотини “Лисонут-тайр”нинг “Талаб водийсининг сифати” бобида қуидагича ифодалайди:

Истамак ранжи кўнгулни зор этар,

Топмамоғлиқ руҳни афгор этар<sup>2</sup>.

Талаб ҳолатининг маърифий-бадиий тавсифи Мир Алишер Навоий томонидан “Лисонут-тайр”нинг 149-бобида янада равshan ва гўзал тасвирини топган:

Чун талаб водийсиға қўйсанг қадам,

Оллингга ҳам дам келур юз минг алам...

Навоий ғазалиётидаги мана шу умумийлик талаб мақомининг моҳияти билан нотаниш шахс Мир Алишер Навоийнинг шу мақом нуқтаи назаридан туриб ёзган ғазалларини ҳам, улуғ шоир ғазалда тасвирлаган ҳолат билан узвий алоқадорликда ифодаланган панд-насиҳатни ҳам тушуна олмайди.

Шунинг учун совет (шўро) тузуми даврида Алишер Навоий ижодини ўрганиш, уни оммалаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилган бўлса-да, ўша маънавий мерос миллионлаб нусхаларда нашр этилган, бу асарлар ҳақида кўплаб докторлигу номзодлик диссертациялари ёзилган бўлишига қарамай, Навоий ижодининг теран қабули ҳақида сўз бориши мумкин эмас эди. Зоро, Мир Алишер Навоийнинг маърифий-бадиий ва бадиий-маърифий асарлари ўз матнидан, зарурий бўлакларидан узилган эди. Улуғ Навоийнинг фалсафий-ахлоқий дунёқарашига зид руҳда сунъий равища соҳталаштирилиб талқин қилинар эди.

ИНСОН ҲАҚНИНГ ТАЖАЛЛИСИ БўЛИБ, УНИНГ КЎНГЛИНИ ТОПИШ ЭСА ҲАҚ РОЗИЛИГИНИ ТОПИШ БИЛАН БАРОБАР ҲИСОБЛАНАДИ. Демак, Алишер Навоий асарларида инсонпарварлик мақсад эмас, балки воситадир. Мақсад эса Ҳақдир. Шўро (совет) тузуми даврида ана ўша таянч мақсад (Ҳақнинг розилигини топиш) Ҳақдан узилган равища талқин қилиб келинган эди.

Толиб тилидан, талаб мақомида туриб ёзилган ғазаллар Мир Алишер Навоий ижодида кўп бўлиб, миқдор жиҳатидан улар ошиқ тилидан ёзилган ғазаллардан сўнг иккинчи ўринда туради.

Талаб мақоми ғазалларида етакчи мавзу Ҳақ рамзи бўлган Ёр гўзалигини куйлаш ва Ошиқнинг (кўпинча, муаллифнинг) Ёрга интилишини тасвирлаш саналади. Масалан, “Фаройибус-сигар”нинг 9-ғазали<sup>3</sup> матлаини олиб кўрайлик.

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,

Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. 1. Фаройибус-сигар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. –Т., 1959, 190-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. 1. Фаройибус-сигар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. –Т., 1959, 190-бет.

Бу ғазал Талаб мақомида ва муаллиф номидан ёзилган.

Бунда париваш Ёр, яъни Мақсад, Ҳақ рамзиdir. Толиб (муаллиф) унинг ишқида зору саргардон, сарсари кезишга мажбур. Матлаъда воқеалар ҳақида “сўз боради”. Бироқ матлаъ замирида яширинган ботиний маъноларни илғаб олишнинг имкони йўқ. Бунинг учун ғазалнинг кейинги байтларидағи ишораларни эсга олиш жоиз. Шу маънода иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги “ўқ” (“Ўқларингдин дам-бадам таскин топар кўнглум ўти...”) сўзи ёрдамга келади. Байтдаги “ўқ” сўзи ҳам рамзий маънога эга бўлиб, Ҳақдан инсонга келадиган марҳаматлар, Ҳақ қудратининг намойиши, борлиқ, Ҳақ етадиган илҳом маъносидадир. Шу сабабли ҳам ҳар бир ўқ толиб дардига малҳамдек таъсир қиласди. Толиб кўнгли эса улардан таскин топади. Газалдан шоҳбайт сифатида мақтаъ ўртага чиқади ва унда асосий ғоя ифода этилади:

Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,

Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анго.

Шоҳбайтда Толиб (Навоий)нинг юз жонини жон (Ҳақ) йўлига фидо қилишга тайёр эканлиги ўзининг бадиий талқинини топган.

### **Ишқ мақоми ғазаллари**

Бу мақом моҳиятини Алишер Навоий фалсафий-ирфоний достони “Лисонут-тайр”да куйидагича акс эттирган эди:

Ишқ ўтиға ошиқи пок ўртанур,

Барқдин андоқки хошок ўртанур<sup>5</sup>.

Мазкур мақомда туриб ёзилган ғазалларнинг асосий мазмунини Ҳақдан айрилиқ азобларининг бадиий тасвири ташкил қиласди. Ёрнинг бепарволиги, ошиқ аҳволидан бехабарлиги, унинг раҳмсизлиги, ошиқнинг заифлиги, азоб-уқубат кабилар бундай ғазалларнинг мағзига сингдириб юборилган. Шунинг учун ҳам бу мақомдаги ғазалларнинг умумий ўёналишига азоб-уқубат тасвири, деб қараш хато бўлмайди. Юқорида келтирилган мисолда Алишер Навоий буни “ўртамак” сўзи билан тасвирлайдилар. Мазкур сўз маъно жиҳатидан “куймак” сўзидан кучли бўлиб, ҳам жисман, ҳам зоҳирان ва ҳам ичдан, қалбан “куймоқ”, “ёнмоқ”нинг муболағали кўринишидидир.

### **Маърифат мақоми ғазаллари**

Бу мақом ғазалларида кўп ҳолларда борлиқ, унинг ўткинчи (фоний) моҳияти, Ҳақни таниш масалалари очиб берилади. Фикримиз далили учун “Фаройибус-сиғар”даги 288-ғазални олиб кўрайлик:

Истасангким, урғасен давронға тифи инқитоъ,

Ул видоъ этгунча сен қилғил бурунроқ алвидоъ.

Жон бериб ширину муҳлиқ жоҳ учун илгингда тиф,

Назъ вақти шарбати марг истаб айлайсен низоъ.

Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун не судким,

Ҳашр бозорида бекийматдуур мундоқ мато.

Масканинг охир чу туфроғур не ўткармакдуур,

Мадфанинг айвониға кўк гунбазидин иртифоъ.

Сандал ойин эв ясаб, элдин кўрарсен сарзаниш,

Ким бу янглиғ, сандалники, еткургай судоъ.

Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин ҳам бўлуб,

Тенгри ёрингким, қилибсен хуш намозе ихтироъ.

Дур қулоғингда момукдин бир чигиттур эл сўзин

Бу момук бирла чигитдин айламассен истимоъ.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 29-бет.

<sup>5</sup> Ўша китоб, 195-бет.

Беша шерин гар забун қилсанг, шижаатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендин шужоъ.

Эй Навоий, тенгри асрориға тил маҳрам эмас,  
Чок кўнглунг ичра тутким “жовазал-иснайни шоъ”<sup>6</sup>.

Изоҳталаб сўзлар: инқитоъ – қатъий, ҳал қилувчи; алвидоъ – кечмоқ, рад этмоқ, хайрлашмоқ; муҳлиқ – нопок, чиркин; жоҳ – мансаб, бойлик: тиф – қилич; назъ – жон узиш; марг – ўлим; каттон – канопдан ишланган қимматбаҳо мато; не суд – қандай фойда; ҳашр – қиёмат, охирги қун, жазо қуни; сарзаниш – таъна, ҳақорат; сандал – бош оғриққа даво бўлган қимматли ёғоч; судоъ – қаттиқ бош оғриғи; миннат – таъна; момуқ – пахта; истимоъ айламак – эшитмоқ; беша – ўрмон; забун қилмоқ – етмоқ; шужоъ – шижаатли, ботир; мадфан – дағн қилинадиган жой, гўр; иртифоъ – кўтарилиш, юксалиш, баландлик; “жовазал-иснайни шоъ” – “ҳамма сир икки тиш орасидан ўтса” (барчага ёйлади).

Ғазалнинг тўла таҳлили мақола ҳажмини катталаштириб юбориши мумкинлиги туфайли бу сингари ғазалларга хос бўлган умумий хуносалар билан чекланамиз.

Бундай ғазалларда ишқу ошиқлик билан алоқадор аломатлар кўзга равшан ташланмайди. Бироқ уларнинг иштирокини инкор қилиш ҳам амри маҳоддир. Ғазалнинг руҳи вазмин, фалсафий мушоҳада жуда кучли бўлади. Бу каби шеърларни ўқиган ёхуд эшитганда мағур бошлар беихтиёр эгилади, шодлигу қувонч ўрнини ҳазин кайфият эгаллади. Натижада тасвир ришталари инсон нафсига уланиб қолади. Нафс эса маърифатда (тасаввуфда) ўзак масалалардан биридир. Ирфоний таълимотларга кўра эса, нафсни жиловламай туриб, тариқат даргоҳида бир нимага эришиш ҳам мумкин эмас. Нафс билан алоқадор бундай қатъий талаб бизга ҳам замондошдир. Бугун ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялаш ўқув муассасалари олдида турган бош вазифа экан, уни уddaлаш учун маърифий асарлар кўз тутмасликнинг иложи йўқ.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. 1. Фаройибус-сигар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. –Т., 1959, 200-бет.